

abr - 2020



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ,
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ЎЗБЕКИСТОН

№67-68 (416-417)
2020 йил 28 август, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ВУНУОДКОРИ


ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ГЕОЛОГИЯ ТИЗИМИ ЯРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
27 август куни геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар
самарадорлиги бўйича тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга шу йил январь ойидаги Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта йўналишига устувор аҳамият қаратилиб, улар жадал ривожлантирилишини таъкидлаган эди. Жорий йилда геология соҳаси ана шундай йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Шу мақсадда Президентнинг 4 та қарори қабул қилинди. Уларнинг ижроси доирасида соҳани модернизация қилиш ва рақамлаштириш, геологик қидирув кўлами ва самарадорлигини оширишга эришилмоқда.

Ўзбекистонда янги геология тизими яратилмоқда. Уни ривожлантиришдан мақсад – табиий ресурсларни халқимиз манфаатига йўналтириш, иш жойлари ташкил этиб, одамларни бой қилиш, – деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи навбатда геологик илм-фани тиклаш ва замонавий кадрлар тайёрлашга замин яратилди. Хусусан, Геология фанлари университети ташкил этилиб, унинг таркибига 4 та илмий-тадқиқот институти бирлаштирилди.

Замонавий бурғилаш ва лаборатория ускуналари олиб келинди. Бунинг натижасида бурғилаш умумдорлиги 2019 йилга нисбатан 25 фоиз ошди. Жумладан, рудадаги элементларни аниқлаш кўлами 40 тадан 63 тагача кўпайди.

Йил бошидан буён 150 та янги кон давлат балансида олинди. Олтин, кумуш, уран, мис, молибден ресурслари ва захиралари кўпайди. Жумладан, Бухоро ва Навоий вилоятларидаги Кулжуктов ҳамда Ауминзотов тоғлари ҳудудида 3 та олтин, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳамда Жиззах вилояти Арнасой туманида 2 та уран кони аниқланди.

Шунингдек, 32 та геология-кон захираси халқаро JORC стандартларига ўтказилди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар доирасида 155 минг гектар майдонда тезкор гидрогеологик излашлар олиб борилди. Сув танқис ҳудудларда суткасига қўшимча 90 минг кубометр таъминлайдиган сув захиралари тасдиқланди.

Тадбирда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисининг ҳисоботи эшитилди. 20 та янги конга онлайн аукционда, очик ва шаффоф тарзда салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб этиш жараёнининг бориши кўриб чиқилди.

Соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили геология-қидирув ишларини 2 баробар кенгайтириб, янги истиқболли майдонларни аниқлаш, соҳага замонавий лаборатория техникаларини жорий қилишни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Геология қўмитасига саноят кооперацияси асосида янги конларни қидириш, топилган ресурсларни ўзлаштириш учун хусусий секторга бериш амалиётини янада кен қўллаш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда геологик, айниқса, гидрогеологик қидирувлар бўйича доимий экспедициялар ташкил этиш зарурлиги айтилди.

Фойдаланишга берилган ер қатъи участкаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мутаассадиларга белгиланган чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ҳамда коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган тиббиёт соҳаси ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

Ушбу Фармонларга кўра, Тошкент архитектура қурилиш институти интерьер ва ландшафт дизайни кафедраси профессори **Бородин Марина Ростиславовна «Дўстлик» ордени**, Наманган муҳандислик-қурилиш институти кимёвий ва озик-овқат технологиялари кафедраси профессори **Шамшиддинов Исроилжон Турғунович «Соғлом турмуш» медали** билан мукофотлангани соҳа вакиллари учун улкан эътибор рамзи эканини эътироф этиш керак.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ТАРТИБИ ЎРНАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бўстонлиқ туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, унга кўра Тошкент вилоятида туризм салоҳиятини янада ривожлантириш ва бу борада амалга оширилаётган зарур вазифалар белгилаб берилди.

Жумладан, бир ой мuddатда Қурилиш вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ер майдонларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлик ҳамда ноқонуний объектлар қурганлик учун жавобгарликни қучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритилиши; Қурилиш вазирлиги ҳамда «ТошкентбошпланЛИТИ» ДУК 2021 йил 1 февралга қадар маҳаллий ва хорижий лойиҳа институтларини, шунингдек, маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда туман ҳудудининг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаши кўрсатиб ўтилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ ЖАЗОСИНИ ЎТАЁТГАН, ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАН ВА ТУЗАЛИШ ЙЎЛИГА ҚАТЪИЙ ЎТГАН БИР ГУРУҲ ШАХСЛАРНИ АФВ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев энг азиз умуммиллий байрамимиз – Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилган гуманитарistik сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-банди

асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 113 нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 5 нафари асосий жазодан озод этилди, 53 нафари жазони ўташдан мuddатидан илгари шартли озод қилинди, 15 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 40 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг мuddатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 1 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 2 нафарини чет давлат фуқаролари, 105 нафарини тақдирланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ў.А.

ИСТИҚЛОЛДАН БАҲРА ОЛГАН БУНЁДКОРЛИК



Асрий орзу-армонлари ушалган халқнинг бахти ва шодлиги фарзандлар қалбидаги буюк шижоат, миллий ғурур ва ифтихорда намён бўлмоғи тайин. Бундан 29 йил муқаддам Ҳуррият ва озодлик ҳавосидан баҳраманд бўлган халқимиз илк кунлардан бошлаб Ватанини, она юртининг шаҳар ва қишлоқларини обод қилишга бел боғлаб, бунёдкорликни беқийёс жараёнга айлантирди. Шу даврда амалга ошган асрларга менгзагулик ишлар ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда содир бўлди. Ва бу жараённи бутун жаҳон эътироф этиб келаётир.

Айни чоғда, мамлакат истиқлол шарофати билан буюк аждодлардан мерос маънавий қадриятларини тиклашга, уларни асрлар чанг-ғуборидан поклашга, миллий тил ва маданиятини, адабиёт ва санъатини раванқ топтиришга, миллий сохталаштирилган тарихини асл ҳолида тиклашга муваффақ бўлди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДАВРИ

Истиқлол шарофати ила миллий тараққиётимизнинг бошланганига биркам ўттиз йил тўлаётган бўлса-да, ушбу даврнинг сўнгги тўрт йили мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган бунёдкорлик ҳаракатлари эришилган ютуқларни ҳар жиҳатдан мустақамлаб, Ўзбекистонда ҳали ишга солинмаган беқиёс имкониятлар мавжудлигини намойён этмоқда. Шу боис, айни чоғда бутун жаҳоннинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши, ишончи ва эътибори ошиб бормоқда.

Бу ҳақиқатни Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва унинг ҳаётбахш самараси халқороз қўламда ҳам эътироф этилаётганидан ҳам билиш мумкин.



1991 йилнинг 31 августида эълон қилинган миллий мустақиллик мустабид тузумнинг шу сингари барча кирдикорларига сўнгги нуқта қўйди. Мамлакатимиз ўз миллий армияси ва қуролини кучларини шакллантириб, ҳудудларини ўзи қўриқлай оладиган даражага етди. Гоят қисқа муддатларда мамлакат фалла ва энергетика мустақиллигига эришди. Бутун республика бўйлаб ягона темир йўл тизими барпо этилди. Автомобилсозлик ва нефть-газ санвати муттасил ривож топди. Унлаб қўшма корхоналар Ўзбекистоннинг индустриал потенциалини намойён этиб, миллий сановатнинг гурқираб ўсишига, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришга пухта замин ва пойдевор бўлди.

Энг асосийси, мустақилликнинг дастлабки йилларида динимизга эркинлик берилиб, собиқ совет ҳукумати «халқ душмани» дея таъриф берган қанчадан-қанча зиёлиларимизнинг ёрқин номи покланиши, маънавиятимизни тиклашга катта эътибор қаратилиши бошланган бўлса, сўнгги йилларда бу борадаги ишлар янада кенг қўлоқ ёзди.

Бугунги кунга келиб биргина Тошкент шаҳрининг ўзида унлаб йирик масжидлар фаолият олиб бораётгани, Ислам цивилизацияси маркази каби муассасалар қурилгани, мамлакат ҳудудидagi ислом дини ва халқимизнинг муқаддас хотираси билан боғлиқ обидалар, улуг авлиёулоқ боболаримиз ёдгорликлари обод қилингани ва кўрган кўзларни қувонтирадиган даражада мажмуалар тарзида қайтадан қурилганини, Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаб, минг-минглаб юртдошларимиз Ҳаж зиёратига бориб келаётганини ўйласак, мустабид тузум бизни буюк ўтмишимиз, муқаддас динимиз ва иймон-эътиқодга асосланган бой маданиятимиз, маънавиятимиздан айириб, эндиги авлодларни манкуртга айлантиришга қанчалар жон-жаҳди билан уринганини англаб оламиз.

Келинг, маълумотларга эътибор қаратайлик. 2017 йил 3 февраль. Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташрифи чоғида ушбу ҳудудда Адиблар хиёбонини яратиш бо-

расида тақлиф берган эди. Ўша йили 18 апрелда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, хиёбоннинг меъморий-ғоявий лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жорий йилнинг май охиригача бу ерда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, 8 гектардан зиёд майдонда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбли яратилди. Адиблар хиёбонини ғоявий-бади-



ий жиҳатдан янада бойитиш мақсадида Бобур, Оғаҳий, Бердақ, Муқимий, Фурқат, Бехбудий, Авлоний, Чўппон, Қодирий, Саид Аҳмад, Саида Зуннунова, Тўлепберген Қайипбергенов, Иброҳим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Александр Файнберг, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф сингари атоқли номиядалар хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари яратилди.

Ҳазрат Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали атрофида 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларнинг ҳайкаллари яхлит меъморий ва бадиий композицияда, мантқиқий ечим асосида жойлаштирилди. Шу ерда Ёзувчилар уюшмаси учун бино барпо этилгани ҳам ҳамоҳанглик касб этди.

Яна бир қиёсний олайлик. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 10 август куни пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташрифи буюриб, боғни замонавий парка айлантиришга доир яратилган янги лойиҳалар билан танишиб, боғ марказида Абдулла Қодирийнинг муҳташам ҳайкалини ўрнатиш, бу ерда адиб яшаган даврини акс эттирадиган ўзига хос муҳит яратиш зарурлигини таъкидлади.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, буюк аждодимиз номи билан аталувчи боғга кираверишда адибимизга муҳташам ҳайкал ўрнатилиб, музей ва Абдулла Қодирий ижод мактаби барпо этилди. Ҳа, шундай. Биз ўзбек романчилик мактаби асосчиси, биринчи ўзбек романчиси, атоқли адибимизга бўлган халқимизнинг буюк эҳтироми ва меҳр-муҳаббатини мана энди – мустақиллик шарофати билан тўқис даражада намойён этишга эришдик.

Маънавият намояндаларига қаратилган эътибор фақат булар эмас. Даставвал, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Жиззаҳда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Фарғонада Эркин Воҳидов, Сирдарёда Ҳалима Худойбердиева номи билан аталган ижод мактабларининг барпо этилиши ва уларда ижодга ихлосманд ёшларнинг ўқиш ҳамда ижод қилишлари учун барча шароитларнинг яратилиши келажак маънавиятга бўлган эътибордан дарак беради.

ИСТИҚЛОЛДАН баҳра олган бунёдкорлик

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Мустақиллик йилларидаги қурилиш ва бунёдкорлик жабҳаси бугунги Ўзбекистоннинг ташриф қоғози – чинакам тимсолига айланди. Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари гоят секин ва юзаки тарзда бўлса-да, авваллари ҳам бўлган. Бироқ бугунги қурилишлар билан аввалги қурилишлар жараёни ер билан осмонча фарқ қилади. Масалан, ўтган асрнинг 60-йили иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкентда юз берган зилзила туфайли шаҳарнинг ер силкинишида тўтдай тўкилиб, вайрон бўлган маҳаллалари ўрнида янги уй-жойлар қурилди. Янги маззелар тиклана бошлади. Бироқ бу уйларга кўчиб ўтганлар қишда лой, ёзда чанг кўчалардан безор бўлиб кетарди. Болалар майдончалари жиҳозланмагани катта ноқулайлик туғдирарди. Бунинг устига ўша уйларни қургани келганларнинг аксарияти «нон шаҳри»дан кетилари келмай ўзлари ёрдам тариқасида қуриб берган уйларига кириб яшай бошлагани ҳам, Тошкент аҳолиси бирданига икки миллионга яқинлашиб қолгани ҳам айни ҳақиқат эди.

Ўша даврда қурилган уйларда ҳозир ҳам одамлар истиқомат қилмоқда. Ташқи ва ички қиёфаси кўримсиз, тор ва шифти паст бу уйларда тиқилиб яшаётганлар эндиликда Тошкентнинг Сергели, Чоштепа даҳаларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қурилган, осмонўпар замонавий лойиҳадаги уйларга кўчиб ўтишмоқда. Аввало, ўша турар жойларнинг ичини ҳали кириб кўрмасдан, ҳовлидаги болалар майдончаси, маззегга катта кўчадан ўтиб бориладиган йўллар манзарасига, яратилган ободлик ва гўзалликка боқиб, «Наҳотки, шундай уйларда яшашга муваффақ бўлдик?!» деб ҳайратдан ёқа ушлаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бундай чиройли уйларни собиқ мустабид тузум бизнинг халқимизга раво кўрмаган эди. «Буларга бўлаверди» деган ғайри қараш мавжуд эди. Бу ҳам эндиги ёш авлодининг мустақиллик неъматининг қадрига етиб яшаш, ўз юртига эгаллик нақадар катта имконият яратилиши англаб олиши учун зарур сабоқ. Барча янги қурилишларимиз – у турар жой маззелари ёхуд замонавий қишлоқларми, Тошкентнинг ер усти метро ҳалқа йўли ёки тўйхоналар, истироҳат боғлари, исломий мажмуалар, спорт ва маданият иншоотлари, йўл ва кўприклар ёхуд «шаҳар ичидagi шаҳар» услубидаги замонавий «сити қўрғонлар» бўладими – ҳаммасида ўз Ватанининг эгаси бўлиш бахти уфуриб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш

ишлари ҳажми йилдан-йилга ошиб, кенг қўлам касб этиб бормоқда. Мисол учун, 2017 йилда 34 трлн 698 млрд сўмлик ишлар амалга оширилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 43 трлн 017 млрд сўмни ташкил этиб, ўсish кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,3 фоизни ташкил қилди.

Таҳлилларга кўра, 2017 йилда 11 456,4 млн квадрат метр, 2018 йилда 13 398,6 ҳамда 2019 йилда эса 15 501,5 млн квадрат уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда инвестиция дастурлари доирасида молиявий манбалар ҳисобидан 2379 та объект, жумладан, 427 та мактабга таълим ташкилоти, 477 та умумтаълим мактаби, 216 та соғлиқни сақлаш, 29 та жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш объектлари, шундан 11 олимпия захиралари мактаб-интернатлари ва 94 та бошқа турли объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Эътиборга молик жиҳати, бугунги карантин шароитига қарамай, ижтимоий йўналишдаги, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилувчи қурилиш мажмуалари сони ортса ортиб бормоқдаки, асло қамаганини йўқ.

Жорий йилда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш дастурлари бўйича қишлоқ жойларда 12 004 та кўп квартирали уй-жойлар қурилиши белгиланиб, шаҳарларда жами 18 010 та арзон кўп квартирали уй-жойлар қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Бунда хусусий сектор вакилларига ҳам кенг ўрин берилляпти. Улар томонидан банк кредит ва ўз маблағлари ҳисобидан минглаб кўп қаватли уй-жойлар барпо этиляпти.

Уй-жойлар барпо этилибгина қолмай, халқимизга хизмат кўрсатувчи бир қатор ижтимоий объектлар, йўллар, кўприкларнинг фойдаланишга топширилиши, сўнгги йилларда қурилиш соҳаси ривож топаётганини англаш мушкул эмас.

Пойтахтимизда бутунлай тўхтаб қолган метросозлик ишлари 2017 йилдан қайтадан жонлангани ҳам ҳар бир юртдошимиз қалбда ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Метронинг Юнусобод йўлидаги ишлар давом эттирилиб, янги ер ости бекатлари қурилиши ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бундан ташқари, «Олмазор» метро бекатидан Сергели даҳасига ер усти метро йўли олиб боришмоқда. Айни кунларда эса, Тошкентда умумий узунлиги эллик километрдан зиёд бўлган ер усти ҳалқа метро йўли барпо этиляпти. Яқин вақт ичида ушбу йўллардан қатнайдиغان вагонлар тошкентликлар ва

пойтахт меҳмонларининг узоғини яқин қилади. Бунинг учун метро поездлари ва бошқа техникаларни бошқарадиган 50 нафар мутахассис Жанубий Корея ва Хитой давлатларида малака ошириб қайтди. Ер усти ҳалқа метро йўлида ҳаракатланадиган янги поездлар келтирилди.

Пойтахтимизнинг «Дўстлик» метро бекатидан Қўйлик даҳасига борадиган ер усти метроси келгусида Чилонзордаги «Олмазор» бекати-га туташтирилади. Ундан сўнг ер усти метроси «Беруний» метро бекати билан боғланиб, катта ҳалқани ҳосил қилади. Бу жойдан эса ер усти метро ҳозирги Юнусобод йўналишидаги «Бодомзор» метро станцияси атрофидан ўтиб, яна «Дўстлик» метроси орқали тўлиқ ҳалқани ташкил этади.

Паркент кўчасида қурилган уч қаватли йўл ўтказиш ёнидан бошланган кўтарма йўллар манзараси барча тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларини ҳайратга солмоқда. Автотранспортлар светофорсиз ҳаракатланадиган уч қаватли йўлнинг бир томони Тошкентнинг қурилиши бошланган яна бир янги аэропортига туташади. Хуллас, мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, пойтахт туманларида бошланган ва давом эттирилаётган бунёдкорлик ишларининг барчасини ҳам санаб адоғига етиш қийин. Бу жараён бутун мамлакатнинг қиёфасини жиддий равишда ўзгартириб, уни янги манзаралар билан нурлантирмоқда.

БИРЛАШГАН ЎЗАР...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Қўшни давлатлар билан ўзаро муносабатлар тубдан яхшиланиб, чегаралардаги дарвозалар очилди. Асрлар давомида оғини бўлиб, ўзаро ахилликда яшаган халқларнинг ўзаро борди-келдиси, ўзаро оқибати яна жонланди. Машиналар ҳам, поездлар ҳам, самолётлар ҳам энди бирор тўсиқсиз, халқороз мезонларга амал қилган ҳолда ҳаракатланмоқда. Эндиликда савдо-сотик, қўшма корхоналар қуриш, йирик энергетика ва транспорт коммуникацияларини ҳамкорликда барпо этиш ва улардан биргаликда фойдаланиш, қитъаларо халқороз транспорт йўлаклари очиш бўйича амалга оширилаётган ишлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун қадим Туркистон давлатлари мустақил тараққиётга кафолат сифатида қаралмоқда.

Бирлашган ўзаро... Ҳа, қадимдан шундай нақл бор: бирлашгани бўри емайди. Бирлашмаган тўзуду. Бугун шу қадим аёнана яна ҳақиқатда намойён бўляпти. Биргина мисол. Шу кунларда лойиҳалаш ишлари олиб борилаётган Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўл тармоғи нафақат Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари манфаатига, айни чоғда, бутун Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиётга кучли туртки беради. Яқин истиқболда мазкур лойиҳаларнинг ҳаққата татбиқ этилиши давлатимиз раҳбари ташаббуси билан катта амалий қадамлар қўйилган қадим Туркистоннинг биргаликдаги тараққиёти учун ойдин йўллар бўлиб хизмат қилади.

Албатта, Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришмаганида тараққиётнинг бугунги даражаси хом хаёлигича қолган бўлар эди. Мустақиллик эса уларнинг ҳар бири учун беқиёс миллий тараққиёт йўлини англаш ва белгилаш учун пухта замин ҳозирлади.

УШАЛГАН ОРЗУЛАР ШУКУҲ

Истиқлол яратган ва яратётган бунёдкорлик ҳақида сўзладик. Дарвоқе, мустақиллик одамларнинг тафаккур тарзи ва дунёқарашини ўзгартириб қолмасдан, шаҳар ва қишлоқларимиз файзу тароватини ҳам янгиламоқда. Турмушимизга файз ва барака кирмоқда. Улуг аждодларимизнинг орзу-армонлари ушалиб, уларнинг пок дуолари ижобат бўляпти. Бу жараён одамларда ўз Ватанига эгаллик, барча ишларда поклик ва ҳалоллик туйғусини ардоқламоқда, ҳаётга нисбатан соғлом муносабатни шакллантирмоқда.

Мустақиллик яратган неъматлар – бизнинг тинчлигимиз ва оқибатимизнинг, муттасил давом этаётган бунёдкорлигимиздир. Шундай замон абадий бўлсин, дейми!

Дилшод ЖАЛОЛОВ.



Янги Ўзбекистон – янги шаҳарсозлик сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг «кичик Ватани»га – уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.», деган эдилар.

Сўнги уч-тўрт йилда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида, Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастури»нинг қабул қилиниши кўпга юртдошларимиз орзуларининг рўёби бўлди, десам адолатдан бўлади.

Ушбу ҳужжатда ошқоралик ва шаффоқлик тамойилларига риоя этган ҳолда, биринчи навбатда, ёш оилалар, эскирган уйларда яшовчилар

ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бошқа тоифадаги фуқаролар, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахслар бўлган оилалар ҳамда оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш назарда тутилган.

Мазкур ҳужжат билан қурилиш бозори ривожланиши таъминланди. Бу эса ўз навбатида, «мультипликатор» бўлди. Яъни, уй қуриш учун қурилиш моллари, ишчи кучи ва техникаларга бўлган талаб ортиши натижасида «қурилиш кластери» яратилди.

Ушбу бозор ва тизим тўлақонли ишлаши ҳамда келажакда ривожланиши учун арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши иштирокида, қурилиш материаллари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга, шунингдек, транспорт ташкилотларига нисбатан солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилди.

Дастурга мувофиқ, янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилди, турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, юртимизда интеграция ва инвестиция жалб этиш жараёни шиддат билан ривожланди. Йирик халқороз молия институтлари бу ўзгаришларни ижобий баҳолаб, кўлаб-қувватламоқда.

Қайд этиш лозимки, ушбу дастур орқали бошқа бир қатор аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган дастурлар ҳам параллель тарзда муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, «Обод қишлоқ» дастури шулар жумласидандир. Ушбу дастур доирасида 2018-2019 йилларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари натижасида 896 та қишлоқда яшовчи 3 минг 561 мингдан ортиқ аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди.

Бу эса ўз навбатида, арзон уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш ва энг асосийси, уй-жойларнинг нархини пайсатириш учун муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши «Обод қишлоқ» дастури билан ўзаро уйғунликда ташкил этиш имкониятини яратиб берди.

Натижада, қишлоқ жойларда 17 минг 100 та, шаҳарларда 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Бу эса кам таъминланган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтириш билан бирга, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктлари инфратузилмасини ривожлантиришга замин яратди.

Шундай қилиб мамлакатимизда арзон уй-жойлар ва кўп квартирали уйлар қуриш кўламини кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали аҳолининг уй-жой, маънавий турмуш шароитларини яхшилаш бўйича аниқ чоралар

кўрилди. Хусусан, ўтган уч йилда 104 минг оила уй-жой билан таъминланди, бу сўнгги ўн йил ичида қурилган уйлар сонидан бир ярим баробар кўдир.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 минг оила, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Муваффақиятли дастурларга талаб йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида уй-жой қурилишида хусусий секторларнинг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда. Бу борада вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга уй-жой хусусий сектор томонидан қурилмоқда. Банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағ аукционлар орқали ажратиб берилди.

Жумладан, «Адолат» СДП ҳам мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва кичик шаҳарларида замонавий уй-жойларни барпо этиш орқали ҳудудлар ва пойтахт орасидаги кескин иқтисодий

ҳамда ижтимоий тафовутни бартараф этиш тарафдори.

Бунда арзон ва кўп квартирали уйлар қуришда «ақлли бино, ақлли шаҳар» концепциясини кенг жорий этиш, ушбу концепция орқали энергетик ва моддий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини тушириш, қурилишнинг инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирини камайтириш, шаҳарларнинг «яшил белбоғларини» кенгайтириш ва тоза чучук сув манбаларини муҳофаза қилиши устувор вазифа деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айланиши натижасида янги ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошди.

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, барча амаллар ниятга қараб бўлади. Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади.

Дилшод ҲАМЗАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.




ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Ўзбекистон Мустақиллигининг **29 йиллиги** муносабати билан «**DURABLE GROUP**» компанияси барчангизни муборакбод этади!

Ушбу кун мамлакатимизнинг асосий давлат байрами сифатида миллий ҳамжихатлик, Ватанимизнинг бугуни ва келажаги учун умумий жавобгарлик ҳиссини уйғотади! Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихи, маънавий ва маданий мероси билан фахрланувчи ҳар бир фидойи инсонни бирлаштирувчи кундир!

Ушбу улуғ ва ёрқин кунда барчага сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, осмонимиз узра мусаффо ҳаёт ва фаровонлик тилаб қоламиз! Ҳаётингизнинг ҳар бир куни шодлик ва муваффақиятларга тўла ўтсин!

«**DURABLE GROUP**» Ўзбекистондаги етакчи компаниялардан бири бўлиб, кенг кўламда хизматлар тақдим этиб келмоқда. Холдинг таркибида бетон ишлаб чиқарувчи "**Durable Beton**", йўлсозликка ихтисослаштирилган "**Grand Road Tashkent**", манзарали гул ва дарахтлар етиштирувчи "**Flowers Garden**", интернет тармоғи ва хавфсизлик қурилмалари билан таъминловчи "**CityNet**" каби салоҳиятли компаниялар бирлашган бўлиб, қурилиш саноатида юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.


SANOAT QURILISH BANK

29
 йил

**Мустақиллик байрамингиз
муборак бўлсин!**

*Юрtdошларимизни 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг
29 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этамиз.*

*Янги тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистонни ривожлантириш
йўлида меҳнат қилаётган халқимизга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилаймиз.*

*Мамлакатимиз бундан-да равнақ топиб, гуллаб яшнайверсин,
юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!*

Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси

**ТОШКЕНТ ШАҲАР
қурилиш соҳасида ҳудудий
назорат инспекцияси жамоаси**

*Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг*

29 йиллиги

*билан қурилиш соҳаси
ишчи-ҳодимларини,
барча ватандошларимизни
табриклайди.*

*Ушбу айём барчамизнинг
хонадонимизга файзу барака,
қалбларимизга қувонч
ва шодлик олиб келсин!*



Музейлар – тарих кўзгуси

2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиши мамлакат ва халқнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Қисқа муддатда ушбу мажмуа табаррук зиёратгоҳлардан, ёш авлодларни ватанпарварлик ва миллатпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканлардан бирига айланган. 2002 йил 31 августда эса мамлакатда илк бор нишонланган Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи тантанали равишда очилди. Биз музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Бахтиёр Ҳасанов билан суҳбатда бўлдик.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда ўзининг тақдирини юрт тақдирини билан боғлаган улуг юртдошларимизнинг, бесабаб қатл этилган ота-боболаримизнинг аянчли қисматини кўз олдимизга келтириш, уларнинг нотинч ва аччиқ ҳаётини ҳис қилишга бурчлимиз. Шундай эмасми?

– Тарих бу – ўтмиш ҳақиқатини акс эттирувчи фан. Ўтган кунларда юз берган воқеа-ҳодисаларнинг асл ҳолати ва сабабларини намоён этувчи манбалар олами. Тарих – ўтмишдан сабоқ олиш, келажак учун ҳулоса чиқариш демак. Ўтмиш сабоқлари, айниқса, бугунгидек дориломон кунларнинг қадрига етиш, истиқлолнинг неъматини теран ҳис қилишга ундаши шубҳасиз. Зеро, Ватанинг ўтмиши, бугуни ва эртаси ҳақида қайғуриш ҳар бир ватандошимизнинг муқаддас бурчи, инсоний вазифаси бўлиб қолмоғи зарур. 31 август республика-мизда Қатагон қурбонлари хотираси кунини ёд қилишга мажбурий бўлиб қолган. Ававаллари ҳатто киши ўзи ёлғиз юришга юраги бетламаган қадим Шонинг халқона «Алвастикўприк» номи билан юритилувчи ушбу маскани истиқлол йилларида муқаддас зиёратгоҳга айлантирилгани қалбимизни фахру ифтихорга тўлдирди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2001 йил 1 майдаги «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони асосида «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи барпо қилинди. Мемориал мажмуа 3 та қатлоғ ҳудудида барпо этилган. Айнан бу ерда ўша давр ўзбек зиёлилари вакиллари пинҳона йўқ қилинган. Ватан равақи юрт озодлиги учун жон фидо қилган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби халқимизнинг асл фарзандлари бесабаб ва бекафан тарзда қатл этилган. Тарихдан яхши биламиз, 1937 йил халқимиз бошига мислсиз талофатларни келтирди. Давлат арбоблари, адабиёт, санъат ва маданият намоёндалари, зиёлилар қатлами, оддий сиймоларга беаёв қириб ташланди.

Бугунги кунга келиб ушбу тарихий маскан истиқлол тубайли муқаддас зиёратгоҳга, азиз-авлилар пок руҳига ҳурмат-эҳтиром сифатида табаррук қадамжого айланди.

– Бу маънавият маскани шахримиз кўрқига кўрқ қўшиб туриши баробарида ўзининг ноёб архитектура-вий кўриниши билан ҳам гоётада эътиборга молик объектлардан бири ҳисобланади...

– Музейнинг ташқи кўриниши, унинг архитектура-вий шакли ва меъморчилик анъаналари асосида барпо этилган объектнинг маҳобатини янада оширади. Азалдан халқимиз қалампирга рамзий маънода турли бало-қазолардан асровчи висота сифатида қарайди. Уни уй ва айвонларга илби қўйилиши ҳам бежиз эмас. Шахидлар хотираси майдонида миллий меъморлик услулари билан ушбу мажмуага эътибор қилинган. Қатагон қурбонларини ўзида мужассам этган ҳолда қад кўтарган музей биносининг ташқи кўринишида ҳам қалампирнинг тасвири жойлаштирилганда катта маъно мужассам. Бодомхушдаги ушбу қалампирларни юртимиз ҳурлиги ва халқимиз тинчлиги, фаровон ҳаёти йўлида мардларча жон берган зиёлиларимиз, давлат арбоблари, жамият равақида салмоқли улуш қўшган ота-боболаримизнинг аччиқ қисматида менга ҳам умимин, аслида. Масканди кўрқига буй қўйиб, атрофга салқинлик бахшида этиб турган фаввораларни қатагонга учраган ўзбек фарзандларининг кўз ёшларига қиёс этилса, Бўзсувнинг айланма ҳаракати, сувнинг охишта мажлибани оқши эса ана шу юртдошларимизнинг хотирасига ҳурмат, эҳтиром ифодаси, тарихий адолатнинг қарор топганига ишора назаримизда. Музейга 2008 йилда яна қўшимча равишда иккита бино қурилди. 3 та залдан иборат ва ўзида 10 бўлимни мужассам этган ушбу маънавият даргоҳи замонавий ахборот, мультимедия воситалари билан тўлиқ таъминланди. Тўғри, қатагон қурбонларининг ҳаёти ва аянчли тақдирига оид расмлар, ҳужжатлар, ашёлар, қайночалар, мактублар, архив



материалларини биргина экспозиция орқали намойиш этишнинг имконияти йўқ. Шу сабабли ҳам музейнинг барча бўлимларида маълумотлар базаси мукаммал шакллантирилиб, ҳар бир маълумотнинг электрон варианты яратилди. Стендлар эса махсус Германиядан келтирилиб, улар ашёлар ҳолатининг асллигини сақлаб қолади, ортиқча намгарчилик, иссиқдан ва қуёш нуридан, чангу губорлардан асрайди. Кўплаб зиёратчилар, шахримиз меҳмонлари, хорижий сайёҳларга ўтмиш ҳаёти ҳақида сўзлаб берувчи ноёб ва қимматбаҳо маълумотларни тақдим этиш тизимининг замонавий услуби йўлга қўйилгани ҳам катта ютуқларимиздан бири. Ўтмиш ҳаётини халқимизга янада кенроқ таништириш мақсадида ҳар бир бўлимга бағишлаб махсус ҳужжатли фильмлар яратилган. Қатагонга учраган ота-боболаримизнинг оилалари, фарзандлари, ҳақидаги маълумотларни, ҳикояларни жамлашга эришдик.

Музейнинг қурилиш жараёнида бевосита иштирок этган инсон сифатида шу нарсга амин бўлдимки, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намоён ҳам юқори. Юртимизнинг барча ҳудудларидан келган қурувчилар, уста-хунармандлар томонидан барпо этилган ушбу иншоот ва айниқса, қуёш нурларидан товланиб атрофга ўзгача бир гўзаллик бағишлаб турувчи 12 устунлар масканга фусункорлик улашади. Музей устунларини водийлик хунармандлар, эшикларини тошкентлик, кошинларини эса бухоролик меъморлар, уста наққошлар яратилган. Бино устига ўрнатилган 2 та гумбазни қўриб, уларнинг меҳнатига, санъатига қойил қолмай илжожи йўқ.

– Бахтиёр Ваҳобович, айтгин-чи, музей фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг ноёб экспонатларини тўлдириш, халқимизни улуг боболаримиз номи, шахси билан яқиндан таништириш борасида бугунги кунда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– 2017 йилда Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу масканга ташриф буюрганида, хиёбон ва музейнинг ҳар бир бўлимини катта қизиқиш билан айланиб чиққан, «Нима учун бундай музей фақат Тошкентда бўлиши керак, бу каби маънавият гўшалари ҳар бир вилоят марказларида, айниқса олий таълим даргоҳлари қошида ҳам ташкил этилиши зарур» деган ўринли тақлифни билдирди. Давлатимиз, ҳали қанчадан қанча очилмаган тарих саҳифалари бор, не не улуг зиёлиларимиз, давлат ва жамоат арбоблари, буюк сиймоларнинг шахси номаълум. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юртимизнинг кўплаб фарзандлари халқимизнинг озодлиги ва тинчлиги йўлида қатагонга юз тутганлар. Айнан, уларнинг кўрсатган хизматлари, жасоратида оид тарихий маълумотлар, ашёларни жамлаган ҳолда вилоятларда ҳам шу каби музейларни ташкил этишга жазм қилдик. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Андижон, Наманган, Фарғона, Термиз, Навоий, Қарши, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилояти ҳудудларида музейнинг филиалларини очдик.

Қарши шаҳрида яшаб ижод қилган, аммо ўша даврнинг аччиқ зарбалари сабабли қатагонга учраган Абдулла Қодирий Танбурийнинг 123 йиллиги кенг нишонланди. Унинг номи ҳали кўпчиликка таниш бўлмастлиги

мумкин. Лекин ўша машъум йилларда бу тарихий шахс Қарши театрида мусиқа, театр санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган инсонлардан бири. Кўпчилик уни ўзбек романнависи Абдулла Қодирий деб билиши мумкин. Бироқ, Танбурий ўзининг танбур сози билан халқимизга таниш бўлган. Сози ҳам ўша давр тақозосидан келиб чиққан ҳолда «Йиғма танбур» бўлиб, душманлар кўзидан йироқ тарзда у танбур чоғусини беркийтиб давраларда чалган, санъатини халққа намойиш этган.

– Музей келажак авлоднинг маънавий-маърифий ҳаётида қандай ўрин тутади деб ўйлайсиз?

– «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тизимидаги мустақил илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб, фаолиятининг асосий йўналиши тоталитар тузум даврида оммавий сиёсий қатагонлар қурбони бўлган ватандошларимизнинг ноҳақ топталган шаъни ва ғурурини тиклашга қўмақлашдан иборат. Музейнинг илмий-маърифий мақсади эса мустамакка давридаги сиёсий, иқтисодий, маданий жараёнларни тадқиқ этиш, тушуниш, сиёсий қатагонларнинг салбий оқибатларини ўрганиш ҳамда уларни музей экспозицияси ва бошқа мақбул усуллар ёрдамида кенг жамоатчиликка намойиш этиш, ёш авлодга Ватанга, халққа муҳаббат, мустақиллик қадриятларига содиқлик руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Музейнинг фаолиятини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар олимларимиз иштирокида 300 дан ортиқ китоблар, кўплаб мақола ва тезислар чоп этирилди. Шахсан ўзим «Тарихи номаълум саҳифалар» номили китоб яратиш, халқимизга қатагон қилинган шахслар ҳаёти, аччиқ қисматида бағишланган маълумотларни, далил ва фактларни мунтазам равишда етказиб берсам, деган эзгу мақсадни илгари сургандим. Саъй-ҳаракатларимиз, изланишларимиз асосида ушбу номдаги китоб 2009 йилдан эътиборан нашр этириб келинмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан унинг 9-жилдини байрам туҳфаси сифатида тақдим этдик. Шу билан бирга миллий зиёлиларимиздан яна бири Маҳмуджўжа Бехбудийнинг 145 йиллиги муносабати билан 2 жилдик китоб, «Абдулла Қодирий эслаб...» номи 218 саҳифани ўзида жамлаган фотоальбом ўзбек, рус, инглиз тилида чоп этирилди.

Музей ҳамisha тараққиёт сари юз тутган. Ҳар йили 31 август санасида «Шахидлар хотираси» майдонида Давлатимиз раҳбари, ҳукумат вакиллари, юртдошларимиз ташриф буюриб, ўтганлар руҳига ҳурмат бажо келтирилади. Бундай тадбирлар юксак қадрият сифатида халқимизнинг ўтмишини ёдимизга солиши баробарида, ҳурлик, тинчлик, бугунгидек дориломон кунлар осонлик билан қўлга киритилмаганини ёдимизга солади, барчамизни бугунги куннинг шукронаси билан яшашимизга қорлаб қолади.

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири
Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

«Ёш хиваликлар»нинг фаол аъзоларидан бири бўлган Сафо Муғанний нафақат санъат, маданият ходими, балки жамиятни ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини такомиллаштиришда фаол иштирок этган инсонлардан бири эди.

Сафо Муғанний ким бўлган?

У отасидан эрта етим қолади. Улғайгач бойлар хонадонидан хизмат қиладди. У Хива хонлигига қарашли Гандумкон қишлоғида бўлгани учун шу ерлик маърифатпарвар Соҳиб Назарбой хонадонидан ишлаб, саводини чиқариб, созандалик сирларини ўрганади. Моҳир созанда ва бетакор овоз соҳиб сифатида Сафо Муғаннийнинг номи танила бошлади. Феруз саройига Сафо Муғаннийнинг вазир Акбар Исломуҳжа олиб келади.

Сафо Муғанний хонлик ағдариллиши билан тараққийпарвар инсон сифатида инқилобни қўллаб-қувватлади. У инқилобдан асрий қоқоқлик ва жаҳолатдан қутулиш учун буюк бир имконият, деб умидвор бўлди. 1920 йил баҳоридан у большевиклар қизил аскарлари сафига хизматга кирди. 1921 йил 6 мартда Полвонийё ҳожи Юсупов тантанали тарзда Сафо Муғаннийни компартия аъзоллигига қабул қилди. Бироқ орадан кўп ўтмай Сафо Муғанний ҳам бошқа «Ёш хиваликлар» сафдошлари қаторида қаттиқ янглишганини англаб етди.

Хоразмда ўзининг ҳокимиятини мутлақ мустақамлаб олганига ишонч ҳосил қилган большевиклар энди воҳода ўзи истаган сиёсатини юритиб, Шўро ҳукуматига қарши ҳар қандай инсонни йўқ қила бошлади. Улар ҳокимиятни тўлиқ қўлга киритиш мақсадида турли фитналари авж олдириди. Туркман, қорақалпоқ каби қардош халқлар билан азалий низолар авж олдирилди. Бу йўлда қон дарё бўлиб оқа бошлади. Алал-оқибат, ҳар бир ишнинг сўнггида большевиклар галабаси таъминланди. Табиийки, халқ турмуш тарзи нҳоятда оғирлашди. Натижада аҳоли ўртасида даҳшатли қўрқув вужудга келди. Қизиллар томонидан бутунлай қириб ташланиши мумкинлиги хавф сола бошлади. Шундай шароитда Сафо Муғанний 1921-1922 йилларда ХХСР маориф назорлигида маданият бошқармаси бошлиғи, бир муддат Хазорасп тумани партия кўмитаси котиби (райком) лавозимларида ишлади. Шунингдек, Хоразм округи ер шўбасининг раиси бўлиб, воҳода шўро ер-сув иш-хотларини ўтқазиди ишларига бош-қош бўлди.

Шу йилларда ўзининг Гандумкон қишлоғидаги 9,5 таноб еридан давлат ҳисобига воз кечди. Урганч тумани икромия кўмитаси раиси бўлган йилларда Хоразм диёрининг фидойи ватанпарвар фарзандларидан бири сифатида ҳар бир сиёсий тадбирларда иштирок этган. Ҳукумат ишини халқ манфаатлари билан уйғунлашга олиб борди. Унинг эл-юрт ўртасидаги юқори обрў-эътибори баъзи совет маъмуриларнинг ҳақидаги сабаб бўлди ва компартиянинг навбатдаги «тозалаш»(чистка) масаласи Сафо Муғаннийнинг истадаси

қўриб чиқилди. Унга инқилобдан аввал хон саройида хизмат қилгани асосий айб сифатида қўйилди. Унинг масаласини муҳокама қилганлар иллат қидирдилар. Мажлис якунига қўра, у ҳукумат ишида ишлалмаслик шартини билан партия сафидан ҳайдалди. Сафо Муғанний шундан сўнг қолган ҳаётини санъатга бағишлайди. Хоразм округ театрида режиссёр, ўқитувчилик вазифаси билан шугулланган. Дарҳақиқат, Сафо Муғанний ўта ғайратли ва иқтидорли инсон эди. Ундан «6 март», «Уш келдингиз, Хоразмга» каби кўплаб қўшиқлар ва шеърлар қолган. Унинг бизга қадар етиб келган шеърларида маърифатни улуғлаш, Хоразм аҳлининг нурли келажигига умид, ёшларни миллат ва Ватан бахт-саодати йўлида ишлашга даъват оҳанглари устуворлик қиладди.

Унга 1936 йил «Меҳнат Қахрамони» ордени берилди. Айрим манбаларга қараганда, Ҳамзининг «Саодат» мусикали драматизацияси куй басталаган. Сафо Муғанний яна бир Хоразм бўлбули Мадррахим Шерозий билан қўёшлар эди. Аслида Сафо Муғанний Шерозийга нисбатан ўз ижодий фаолиятини анча илгари бошлаган ва анча машҳур шахс эди. Қолаверса, уларнинг ижод йўналишлари ҳам бир-биридан кўп жиҳатдан фарқ қиларди.

1937 йил. Шўролар тарихида «Катта қиргин» номи билан муҳрланган машъум сана. 1937 йил 27 август кун Хоразм воҳасининг бошқа кўплаб азиз фарзандларини қаторида Сафо Муғаннийни ҳам қамоққа олиш тўғрисида ордер битилди. Эртаси кун у яшаган уйда тинтув ўтказилиб санъаткорга тегишли барча моддий ва маънавий бойликлар хатланиб, олиб кетилди.

Сафо Муғанний: «Мен 1920-29 йиллар давомида компартия сафида бўлдим, ҳеч қачон аксиликчилик қилмайдиган бўлган эмасман. Айниқса, «Озод Туркистон» номи аксиликчилик ташкилотни ашигтан ҳам эмасман», деб жавоб берган. У ҳеч бир айби ёзилган қоғозга имзо чекмаган. Унинг бу қатъияти совет жаза ташкилоти томонидан инobatга ҳам олинмади. Кўп ўтмай Сафо Муғаннийнинг аксиликчилик ташкилот аъзоси эканлиги тўғрисида айбон баённомаси ҳам тасдиқланди. Ҳатто, 1937 йил 28 ноябрь кун Хоразм НКВД қошидаги машъум «Учлик» унинг ўзисиз Сафо Муғаннийни УзССР ЖК 66-моддаси, 1-банди билан айблаб, 10 йил МТЛ (Меҳнат тузатиш лагери) жазосига ҳукм қилган.

Хоразм вилояти судида 1958 йил 19 апрель кун Сафо Муғанний иши қўриб чиқилди, у оқланган.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори.
ЎЗА

Миллат ўзлигини англаши йўлида улкан ишларга қўл урилмоқда

Август ойида ёмғир шаррос қуйганини сира эслолмайман. Тарихнинг ҳам булутли кунлари ҳақида йўлар эканман, давлатимиз раҳбарининг маърифатпарвар жадид боболаримиз ҳақидаги фикрлари хаёлда қарх уриб айланаверади. Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунаввар Қори, Бехбудий каби боболаримизнинг орзу-интилишлари, мақсад-муддаоси не эди?..

«...Улар иморат қурмаган. Ўзига бойлик изламаган. Бирдан-бир ҳазинаси – минг машаққат билан топан пулларига кутубхона қурган. Хусусан, «Турон» кутубхонасини барпо этиб, ўзларига тирик ёдгорлик ўрнатиб кетган». Президентимизнинг бу сўзлари Чўлпон, Фитрат, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий, Маҳмуджўжа Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримизнинг ҳаёт йўли, умр мазмуни, орзу-интилиши,

мақсад-муддаоларининг содда, равон, лўнда ифодасидир.

Баъзан фақат қорин ғами, ўткинчи ҳашамлару ҳою-ҳавасларни устувор билганларнинг «Мустақиллик нима берди?» қабилидаги калтабин саволларига дуч келишимиз табиий. Истиқлол Ватан озодлиги, ҳуррият учун курашган боболаримизнинг пок номларини тиклаш, тарихни холис ўрганиш, унинг миллат назаридан

четда қолган, яна ҳам аниқроғи одамлар онгидан атай учиб ташланган саҳифаларини қайта тиклаш имконини бергани билан ҳам қадрлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи самарали фаолият кўрсатмоқда. Тарихнинг одамлар кўзидан нари бўлган жиҳатларига доир изланишлар фаол олиб борилмоқда. Кейинги йиллар давомида бу борадаги ишлар янада янгича маъно-мазмун билан бойиди. Атоқли боболаримиз, адабиёт, миллат фидойилари бўлган ёзувчи ва шоирлар номи билан аталувчи ижод мактаблари фаолият бошлади.

Оддий мисол. Ўтган йилнинг декабрь ойида пойтахтимизда эъзоли адиб Абдулла Қодирий ҳайкали, унинг номидаги ижод мактаби, музей, уй-музейи барпо этилди. Юби-

лей санаси гоёт кўтаринки руҳда ўтказилди. Жадидлар тарихи, фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган «Турон» кутубхонаси янги масканда қад ростлади. Адиб умри кечган ҳовли-хонадонда ўша давр муҳитини мужассам этган уй-музей очилди. Бу савобли ишлар декабрь ойи поёнида халқимизга тақдим этилганида ҳам ўзига ҳос маъно бор. Негаки, Абдулла Қодирий 1937 йилнинг 31 декабрида «халқ душмани» сифатида ўз хонадонидан ҳибсга олинган...

Мамлакатимизда миллат ўзлигини англаши йўлида улкан ишларга қўл урилмоқда. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунларини билмаган китобхони топшиқ улқул юртимизда. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий каби маърифатпарвар боболаримизнинг асарлари Ватанга содиқлик, юртпарварлик, фидойилик, ҳалоллик сабоғидир.

Эътиборга молик жиҳати, бу борадаги барча ишлар кўр-кўрона йўсинда, кимлар учундир, кўз-кўз учун эмас, балки миллий ўзлигини теранроқ англаш, миллатини қаддини янада баландроқ тутмоқлиги учун амалга оширилмаётгани муҳимдир.

Бу борадаги барча савобли саъй-ҳаракатлар ҳақида уйларканми, Ватан, халқ, келажак учун масъулиятни чин юракдан ҳис этиш, адабиёт, маърифат, илмга бўлган улкан эътибор бежиз эмаслигини дилдан англаймиз. Янгиланаётган Ўзбекистонимиз ўзининг машаққатли, ҳам мураккаб йўлидан дадил одимламоқда. Танлаган йўлимиздан оғшмай, фарзандларни маърифатпарвар боболаримизга муносоиб инсон сифатида тарбиялаш эса муқаддас бурчдир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

«Файзли Тошкент» акцияси пойтахтнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшади

Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари томонидан амалиётга жорий этилган «Файзли Тошкент» акцияси доирасида пойтахт маҳаллалари, кўча ва хиёбонлари, турли кўнгилочар масканлар, маданият муассасалари янада обод бўлиб, атроф-муҳитнинг экологик барқарорлиги таъминланмоқда.

Жойларда яшил ҳудудларни сақлаб қолиш орқали, дархат ва гул кўчатлари сонини янада кўпайтириш, уларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, пойтахт туманларидаги озодлик ҳолатларини яхшилаш, кўп қаватли бинолар, қабристонлар ва каналларни ўз ичига олган мавзёлар ҳудудларини саришта ҳолатга келтириш акция иштирокчиларининг бош мақсадига айланган. Бу каби эзгу ишларни Яққасарой тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бобур кўчаси ҳамда Братислава кўчалари ҳудудида жойлашган «Дўстлик боғи»да Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси ходимлари томонидан тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу боғни янада обод ва файзли масканга айлантириш мақсадида бу ерга туман ободонлаштириш бошқармасининг 150 га яқин ишчилари ва 10 та махсус техникалари жалб этилди. 12 гектар майдонни ўзида мужасам этган ушбу боғдаги мавжуд дархат ва гул кўчатларига

шакл берилиб, оқланмоқда, уларда сўғориш ишлари олиб борилди, боғ ҳудуди, жумладан, ариқ ва зовурлар чиқиндилардан тозаланиб, атроф озода ҳолатга келтирилди.

Юртимизда инвестицион жозибадорликни ошириш, хорижий ва маҳаллий сармоядорларга кенг қўламли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг маблағларини жалб этган ҳолда ҳудудлар инфратузилмаси ва қиёфасини тубдан ўзгартиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бугунги кунда ушбу масканда ҳам маҳаллий инвесторларнинг 35 миллион АҚШ долларини сармояси асосидаги йирик лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш борасида музокаралар олиб борилмоқда. Лойиҳага кўра, ушбу боғнинг қиёфаси тубдан яхшиланиб, бу ерда турли кўнгилочар масканлар, энгил конструкцияли савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчалари, миллий таомлар маркази, шаҳри-миш меҳмонлари ва пойтахтликларнинг кўнгилли дам олишлари учун зарур бўладиган барча шарт-шароитлар яратилди.

– Инвесторларнинг таклифи қўллаб-қувватланган ҳолда, улардан атрофдаги яшил ҳудудни сақлаб қолишларини сўрадик, – дейди «Дўстлик боғи» ДУК раҳбари Рихситилла Алимов. – Зеро, бу ердаги 1 минг 440 та мевали ва манзарали дархатлар атроф-муҳитнинг мўътадил иқлими, мусаффо ҳавони сақлаб туришига ёрдам беради. Бу эса ҳудудга салқинлик бахш этиб, айниқса, ёз фаслида боғга ташриф буюрган ҳар қандай инсонга хузур беради.

Мазкур маданият ва истироҳат масканида 6 500 квадрат метрни ташкил қилувчи кўл атрофга салқинлик бахш этса, 4 гектарлик майдонни эгаллаган «Сеул» ва «Сиятл» боғлари эса меҳмонларга Жанубий Корея ва Америка ҳа-

ёти, санъати ва маданиятидан сўзлайди. Ҳозирги кунда ушбу «боғ ичра боғ»ларни ҳамда «Тинчлик» боғини реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилган.

– Республика мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз ва унинг туманларини саришта ҳолатга келтириш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда, – дейди Яққасарой тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Ойбек Усмонов. – Тизимда меҳнат қилаётган 300 нафарга яқин меҳнатқашларимиз томонидан туман озода ҳолатга келтирилиб, кўчаю хиёбонлар чиқиндилардан тозаланмоқда. Жумладан, «Файзли Тошкент» акцияси доирасида «Дўстлик боғи»ни обод қилиш баробарида марказий кўчаларга ёз мавсумида 100 мингдан ортиқ гул кўчатлари экилиб, дархатларга шакл берилди, оқланди. Булардан ташқари ишчиларимиз жамоат жойларида, автоурагҳоқлар, боғ ва хиёбонлар, ташкилот ва идоралар, кўчаларда дезинфекция ишларини сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Икки ойдан сўнг кечки гулларни экиш ишлари бошланган, режага кўра, бу йил 60 мингга яқин турли гуллар ўтказилади. Ички ва катта автомобиль йўлларини созлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Жумладан, тумандаги Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қаҳҳор 9-тор, Кичик Бешёғоч, Бахт, Кичик Миробод кўчаларида асфальт ётқириш ишлари режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз юксак бунёдкорлик салоҳияти билан юртимизни янада обод қилишга, хусусан, пойтахтимиз Тошкентни янада файзли қилишга астойдил бел боғлаган.

Ўз мухбиримиз.

Обод бўлаётган Хўжаобод

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Янги-янги уй-жойлар, боғча, мактаб, стадионлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, қишлоғу шаҳарларимиз кўркіга кўрк қўшмоқда.

Бу, албатта, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамлик, иқтисодий ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Юртимизнинг энг чекка, чегара ҳудудида жойлашган Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ҳам қурилиш, бунёдкорлик, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бундан беш-олти йиллар аввал, айниқса, туман марказининг бунчалар обод гўшага айланишини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирилмас эди. Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами – мустақиллик байрами арафасида туманда яна қатор янги объектлар ишга туширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Хўжаобод тобора обод гўшага айланмоқда.

МАҲАЛЛА ИДОРАСИ УЧУН ЯНГИ БИНО ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида тумандаги «Нишобўйи» ҳамда «Карнайчи» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Эндиликда мазкур маҳалла фаоллари кўркам, кенг ва чиройли хизмат оналарида иш юритиш имконига эга бўлди.

– Жамият ҳаётида маҳалланинг ўрни ва роли ниҳоятда катта, – дейди «Нишобўйи»

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Тожибоев. – Давлатимиз, Президентимизнинг маҳалла тизимига кўрсатаётган эътибори туфайли маҳалламиз идораси учун янги бино барпо этилди. Бу бизга қулай иш шароити яратиш билан бирга, зиммаизга улкан масъулият ҳам юклайди. Эл-юрт иши учун янада фидойи бўлиш, сидқидилдан меҳнат қилишга ундайди.

Янги бинолар очилишига бағишланган тадбирларда вилоят, туман ҳокимликлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси вакиллари иштирок этиб, аҳолини янги бинолар ҳамда яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан муборакбод этди.

50 НАФАР ХОТИН-ҚИЗ ДОИМИЙ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛДИ

– Тумандаги ҳар бир маҳаллада аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда, – дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Моҳидилхон Нишонов. – Хусусан, фуқароларни тадбиркорликка йўналтириш, янги корхоналар

ташкил этиш орқали кўплаб хотин-қизлар, ёшларнинг бандлиги таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, тумандаги аксарият маҳаллаларда, шунингдек, аҳоли хонадонларида тикувчилик, трикотаж ва бошқа ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилган бўлиб, айни кунда самарали фаолият юритмоқда. Туман ҳокимлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан уларнинг фаолияти доимий равишда қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркорларга электр энергияси таъминоти, кредит ва бошқа қатор масалаларда амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида Карнайчи маҳалласида «Ай-фах груп» масъулияти чекланган жамияти тасарруфда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилди. Корхонанинг ишга туширилиши билан мазкур маҳаллада яшовчи 50 нафардан зиёд ишсиз хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Туманда Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир қатор янги объектлар ишга туширилди. Бу, албатта, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз ривожига хизмат қилади.

Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Жиззах гарнизонидаги ҳарбий қисмда янги барпо этилган бино ва иншоотлар комплексини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ҳарбий мажмуа фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Мудофаа вазирлиги, Жиззах вилоят ҳокимлиги масъуллари, ҳарбий хизматчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар учун қулай маънавий шароит яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётган. Ҳарбий қисмларнинг ўқув-моддий базаси, ҳарбий шаҳарча ва полигонларнинг инфратузилмаси тубдан янгиланмоқда.

Соҳада янги бошқарув тузилмаси, ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилгани халқ ва армия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён «Халқ ва армия бир тану бир жон» шiori остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур ҳарбий қисмда фойдаланишга топширилган иншоотлар ушбу ҳамкорлик натижасидир.

Мазкур ҳарбий қисм инфратузилмаси замон талабларига мос равишда капитал қурилди ва таъмирланди, мавжуд ўқув-моддий базаси янгиланди ҳамда замонавий ахборот-коммуникацион воситалар билан жиҳозланди.

Шаҳарчада ҳарбий хизматчилар шароитини яхшилаш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида 1 минг 296 ўринли ётоқхона ва ўқув биноси янгидан қурилиб, замонавий ўқув анжомлари ва воситалари билан жиҳозланди.

Аутсорсинг асосида фаолият юритадиган 1 минг 200 ўринли ошона, 600 ўринга мўлжалланган клуб, 20 ўринли тиббиёт пункти ҳам янгидан қурилиб, ҳарбийлар ихтиёрига топширилди.



Шунингдек, шаҳарчада 453 ўринли спорт зали ҳамда мини стадион, баскетбол, волейбол ва теннис майдонлари қурилди. 680 ҳарбий хизматчи маданий ҳордиқ олиш имконияти мавжуд 2 қаватли маънавий ва маърифат маркази, 1 минг 200 ҳарбий хизматчи мўлжалланган ҳаммом ва кир ювиш мажмуаси ҳам ҳарбийларимиз ихтиёрига топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Баҳодир Қўрбонов ҳарбий қисм шахсий тарихи, барча иштирокчиларни Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан самимий табриклади.

Ҳарбий қисмда қурилган янги бино ва иншоотлар эскиси билан таққослаганда, имкониятлар гоят катта, – дейди ҳарбий қисм командири Жамшид Расулов. – Яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган шахсий таркиб турли ҳарбий муСОБАҚАЛАР, жумладан, «АрМИ-2020» халқаро ўйинларида ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Катта эътибор ва ғамхўрлик учун Олий бош қўмондонимиздан миннатдоримиз.

Тадбирда қисмнинг жанговар тайёргарлик аълочилиридан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 1 даражали «Намуни хизматлари учун» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бир гуруҳ офицерларга навбатдаги ҳарбий унвонлар берилди.

Тантанали тадбирда вилоят ҳокими Эргаш Солиев сўзга чиқиб, иштирокчиларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик байрами билан табриклади.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Фаровонлик йўлида

Тошкент вилоятининг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб, ҳудуддаги шаҳару қишлоқлар файзли ва обод манзилларга айланиб бормоқда.

Оҳангарон ҳудудида бир қатор замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилиб, аҳоли ихтиёрига топширилмоқда. 2019 йилда Оҳангарон туманидаги Эйвелек маҳалласида янги 36-ҚОП, Оҳангарон шаҳрининг Янгилик кўчасида оилавий поликлиника «Бунёдкор Кушон қурилиш» МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилиб, аҳоли ихтиёрига фойдаланиш учун топширилган бўлса, жорий йилда Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасига қўшимча равишда бир қатор биноларнинг барпо этилиши кўзда тутилган. Жумладан, оилавий поликлиника, туғруқ бўлими, шошилинч марказ қурилишида «Оҳангарон Шоҳруқ файз» МЧЖ РСУ-3 қурилиш ташкилоти бинокорлари самарали меҳнат қилишди.

Қамчиқ довоши вилоят ҳудудини водий билан боғловчи катта автомагистраль бўлгани боис, бу ерда ҳайдовчи ва йўловчиларнинг қатновчи гавжум. Фавуқлоқда ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида «Қурама» МФЙ ҳудудида Шошилинч тез-тиббий ёрдам кўрсатиш марказининг шохбачаси барпо этилди. Объект «Ангрен инвест-строй» МЧЖ қурувчи-ишчилари томонидан бунёд этилди. Шунингдек, «Элга хизмат» МЧЖ томонидан 39-ҚОП капитал таъмирланиб, «Гулобод» МФЙдаги жойлашган 35-ҚОПда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

– Бугунги кунда ушбу тиббиёт муассасаларида ичимлик суви таъминоти, иссиқлик ва электр энер-

гияси, табиий газ, канализация тизими билан тўлиқ таъминланган бўлиб, уларда узил-кўрилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар кўрилган, – дейди Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бахтиёр Содиқов. – Тиббиёт ходалий поликлиника «Бунёдкор Кушон қурилиш» МЧЖ қурувчилари томонидан барпо этилган ҳолда қад кўтарган бу каби замонавий муассасаларнинг моддий-техник базаси тўлдирилиб, бу ерда аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш мақсадида малакали шифокор, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

Пандемия шароитида халқимизнинг саломатлиги ҳақида янада кўпроқ қайғурган ҳолда ҳудуд аҳолисини коронавирусдан асраш ва касалланганларни тез фуқароларда асоратсиз даволаш мақсадида Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасида махсус хоналар ташкил этиш чоралари устида иш олиб бормоқдамиз. 35-ОПда эса «Колл марказ» фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ерда тиббиёт ходалий 24 соат узлуксиз ишлаб, Ўзбекистондаги пандемия жараёнида, коронавирусга чалиниш ҳолати, касалликнинг клиник кечishi ва симптомлари, юқиш йўллари, даволаш чоралари ва олдини олиш тўғрисида аҳолига аниқ маълумотлар, зарур тавсиялар беришмоқда.

Фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида жорий йилда ҳам бир қатор ижтимоий соҳа объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, «Телов» МФЙ ҳудудида

«Обод қишлоқ» дастури доирасида 2 қаватли 38-ҚОП янгидан қад кўтариб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ушбу объектада «Бунёдкор Кушон қурилиш» МЧЖ қурувчи-муҳандислари қурилиш ишларини олиб бориб, тез фуқароларда бу ерда замонавий ва энг муҳими аҳолига барча қулайликларни яратиш берувчи тиббиёт муассасаси қад ростлади.

– Қурувчиларимиз томонидан барпо этилаётган бир қатор ижтимоий соҳа объектларининг сифати ва уларнинг ўз вақтида топширилишига катта эътибор қаратилиб келинади, – дейди «Бунёдкор Кушон қурилиш» МЧЖ раҳбари Хасан Жўраев. – Нурафшон шаҳрида янгидан қад кўтарилган «Тон» маданият уйида барча шарт-шароитлар ва имкониятларнинг мавжуд бўлишига катта эътибор бердик. Қурувчиларимиз бинони 3 ой мобайнида бунёд этишди. Бу ердаги ёруғ ва шинам хоналар, ёш ижодкорларнинг эркин шугулланишлари учун махсус жойлар, 150 ўринга мўлжалланган кенг саҳна ва замонавий ўриндиқлар барчаси ёшлар ихтиёрида бўлади. Шунингдек, ушбу манзилда 420 ўринга мўлжалланган 3 қаватли замонавий кўринишдаги 48-умумтаълим мактабининг қад ростлаши янги ўқув йили олдинда ўқувчилар учун муносиб совға бўлиши шубҳасиз. Янги йўл шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида қисман қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб борилиши натижасида иншоот эндиликда янада кўркам қиёфага кирди. Мактаб тўлиқ таъмирланиб, унга қўшимча равишда фаоллар зали қурилди, замонавий жиҳозлар келтирилди.

Наргиза МИРЁЗУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

ТМЭКЛАР ФАОЛИЯТИДАН

2000 йил 12 май куни Тошкентнинг Юнусобод туманида барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиши мамлакат ва халқнинг ижтимоий, маданий ва маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Қалбларга йўл топиб

Мамлакатимизда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, одамлар соғлигини сақлаш учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самарадорлигини, сифатли ва ўз вақтидаги муолажа қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қатъий тартибга солинмоқда. Карантин даврида бирор-бир эҳтиёжманд оила, ёш болалар, ҳомилдор аёллар, ногиронлиги ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги мудом таъкидланяпти.

Маълумки, ногирон, имконияти чекланган шахслар тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари (ТМЭК) назорати олинган бўлиб, бугунги шароит улардан икки ҳисса кўпроқ меҳнат қилишни талаб қилмоқда. Негаки, хаста кўнгилларга малҳам бағишлаш, қалбига йўл топиш, барча шароитларни яратиш бериш осон иш эмас. Шунга қарамадан, ходимларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларни шараф билан ундаб эл олқишини қозонаётдилар. Масалан, карантин даврида ногиронлик мuddати тугаётган фуқароларни қайта кўриқдан ўтказмасдан, ногиронлик мuddатларини автоматик тарзда узайтириш ҳисобига пенсия тўловларини давом эттиришда улар жонбозлик кўрсатишди. Вилоят бўйича 2020 йил 1 августга 2699 нафар мuddати тугаган ва мuddати тугаётган ногирон борлигини эътиборга олсак, бу анча мураккаб юмуш эканлиги аён бўлади. Шунингдек, мутахассисларимиз комиссияга муурожаат этган беморларнинг ногиронлик даражасини белгилаш, жисмоний имконияти чекланган инсонларни соғломлаштириш, уларга ногиронлик аравачаси ва реабилитациянинг бошқа техник воситалари олиш учун тиббий хулоса бериш, қисқаси қулайликлар яратиш каби муҳим масалаларни ҳал этишда фаол қатнашаётдилар.

Эксперт врачлар, соҳа мутахассисларининг тиним билмасдан фаолият юритишга тинимининг ижобий самарасини бераётган, албатта. Мавжуд ҳолатни рақамларда олиб кўрадиган бўлсак ҳам бу яққол сезилади. Масалан, 2020 йилда вилоят бўйича 7652 ногиронлик ҳолати қайд этилган бўлиб, 2019 йилга нисбатан бирламчи ногиронлик 8,2 фоизга, қайта ногиронлик 13,1 фоизга камайганлиги фикримизнинг исботидир. Қўшработ, Нурабод, Тайлоқ, Жомбой туманларидаги вазият, айниқса мақтовга сазовордир. Биз ногиронлики камайтириш мақсадида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга жиддий аҳамият қаратаймиз. Шу билан биргаликда ходимларга қўриқларни ўтказишда шафдофликни таъминлаш, ҳолисона иш тутишга даъват этаймиз. Бундан ташқари уларнинг бемалол ишлаши учун қулай шароит яратиш, зарур жиҳозлар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Шухрат АББАСОВ,
Самарқанд вилояти бош ТМЭК раиси.

«SHAHARSOZLIK HUVJATLARI EKSPERTIZASI» ДУК


ва унинг филиаллари жамоалари

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни

билан барча юртдошларимизни самимий
муборакбод этади.

Бунёдкор халқимизга сихат-саломатлик,
жаннатмонанд диёримизни янада обод этиш,
халқимиз учун муштаҳкам ва шинам турар
жойлар, таълим, тиббиёт ва бошқа объектларни
бунёд этиш каби шарафли меҳнатларида
куч-қувват тилаймиз.




QISHLOQQURILISHBANK


29
йил



Мустақиллигимиз
абдий бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб,
миллий валютадаги қуйидаги
омонат турларини таклиф этамиз:

“Янги давр”
муддатли омонати

йиллик **17%** йиллик **18%**

270-370 кун муддатгача 371-750 кун муддатгача

“Универсал”
муддатли омонати

йиллик **18%**

13-36 ой муддатгача

“Қишлоқ қурилиш банк” —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Мурожаат учун:

☎ Телефонлар: (+99878) 150-72-58,
150-93-39

🌐 Сайт: www.qqb.uz 📧 Telegram: @qqbank

📘 Facebook: @official.qqb.uz

*Ҳурматли ватандошлар!
Сизларни энг улуғ, энг азиз айём —
Ватанимиз мустақиллигининг*

29 йиллиги

*билан чин қилдан
муборакбод этамиз.*



«ToshuyjoyLITi» АЖ
жамоаси

«ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ жамоаси



қурилиш соҳаси
ишчи-ходимларини,
барча ватандошларимизни
энг азиз, энг улуғ байрам –

Истиқлол айёми

билан табриклайди.

Ушбу шодиёна барчамизнинг
хонадонимизга
файзу барака, қалбларимизга
қувонч олиб келсин!



«ЎЗБЕККОММУНАЛЛОЙИНАҚУРИЛИШ» давлат унитар корхонаси жамоаси

барча ҳамюртларимизни
яқинлашиб келаётган қутлуғ айём –
Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг

29 йиллиги
билан табриклайди.
Сизларга сиҳат-саломатлик,
дастурхонингизга
қут-барака тилаймиз.



«O'ZSHAHARSOZLIK.LI» ДУК ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни
қутлуғ айём –

Ўзбекистон Республикаси

мустақиллигининг

29 йиллиги

билан табриклайди.

Дунё ҳамжамиятида ўзига хос
ўринга эга бўлган мамлакатимиз
иқтисодиётини янада ривожлантиришни
ўз олдига олий мақсад қилган жонкуяр
ватандошларимиз қалбидаги
қайноқ ўт ҳеч қачон сўнмасин!

TERMEZ INTERNATIONAL AIRPORT

UZBEKISTAN AIRWAYS



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини
энг қизғ, энг азиз айём –
Мустақиллик байрами
билан самимий
муқорабдоқ этади.

29 йил

Тўзал ва бетакрор Ватанимиз
хаммаша тинч, меҳнатсевар ва меҳмондўст халқимиз
омон бўлсин!



Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари давом этмоқда

Республика иқтисодиёт тармоқлари,
кўп қаватли уй-жой фонди ва
ижтимоий соҳани 2020-2021 йиллар
куз-қиш даврида барқарор ишлашни
таъминлаш мақсадида Олмалиқ
шаҳрида кенг кўламли ишлар амалга
оширилмоқда.

Бугунги кунда шаҳарда жами 674 та кўп қаватли уй-жойлар мавжуд бўлиб, шундан 355 тасига 37 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва 1 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатиб келмоқда. Хонадонлар сони 25 397 тани ташкил этиб, улар 2 ва 7 қаватли уйларда жойлашган. Бу борада шакллантирилган манзилли дастур доирасида 18 та кўп қаватли уйлар тижорат банкларининг 904,0 млн сўм миқдоридagi маблағлари ҳисобига жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

2020 йил «Обод маҳалла» дастурига кўра, шаҳардаги Мирзо Улуғбек, Чўлпон ва Янги ҳаёт маҳаллаларида жойлашган «Кўркамлик сари», «Олмалиқ имкон қурилиш», «Муҳлис баҳор гули», «Холмўмин Шаҳодат», «Шўхрат» ва «Зарнур» ширкатларидаги кўп қаватли уйларда жами 3 658,0 млн сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, 2020-2022 йилларда Олмалиқ шаҳрини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан кўп қаватли уйларни таъмирлаш учун жами 46 469,8 млн сўм маблағ ажратилиши режалаштирилиб, маблағларнинг самарали сарф этилиши асосида жорий йилнинг ўзида уйлардаги том, фасад, ёритиш чироқлари, иситиш тизимлари, ички коммуникациялари ва пиёдалар йўлакларини таъмирлаш учун 15 млрд 615 млн сўм сарфланиши кўзда тутилган.

– Ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ишларини жадаллаштириш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири, – дейди Олмалиқ шаҳар ҳокимининг ўринбосари Солиҳон Қосимов. – Шу сабабли ҳам Давлатимиз раҳбари томонидан уй-жой фондини бошқариш бўйича Тошкент шаҳар Юнусobod тумани тажрибасини аҳоли ва тадбиркорлар орасида оммалаштириш чораларини кўришга қаратилган тақдирларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган ва улар ХУЖМ ширкатлари фаолиятини ўрганиш ишларини олиб боришмоқда. Ўрганиш давомида шаҳардаги иқтисодий ҳолати оғир, аҳолига етарли даражада хизмат кўрсатолмаган ширкатлар аниқланиб, улар кўп қаватли уйларни бошқариш сервис компанияларига бириктирилди. Натижада «Сихат-саломатлик қурилиш», «Олмалиқ таъмирлаш-тиклаш хизмати» ва «Инженер Рамз» бошқарув сервис компаниялари ўз фаолиятини бошлади.

Олмалиқ шаҳрида ижтимоий соҳа объектларининг ҳолатини ўрганиш, улардаги муаммоларни бартароф этиш борасидаги ишлар ҳам жадаллик билан давом эттирил-

моқда. Жумладан, 9-, 11-, 19-, 20- ва 21-сонли умумий ўрта таълим мактабларини реконструкция қилиш бўйича шаҳар ҳокимининг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ҳозирда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Шу билан бирга, бошқа умумтаълим мактабларини 2020-2021 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича далолатномалар тузилиб, уларнинг ҳолати яхшиланмоқда. 16- ва 19-сонли махсус ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида ҳозирда реконструкция ишлари олиб борилаётган бўлиб, уларнинг айримларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича далолатномалар тузилди.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси реконструкция қилиниб, 120 ўринли Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонасига мослаштирилди. Бугунги кунда ушбу муассасада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Бундан ташқари, Олмалиқ шаҳар Санитария-эпидемиологик осоишталлиги маркази биноси «Олмалиқ КМК» АЖ томонидан мукамал таъмирланиб, бу ерда вирусология лабораторияси ўз фаолиятини бошлади.

Аҳолига қўлай турмуш шароитларини яратиш жараёнларида коммуникация тармоқларининг созлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ҳозирда уй-жой бошқарувида ички тизимларни таъмирлаш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Бугунги кунда Олмалиқ шаҳрида 463 километр газ тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг 46 километр юқори босимли, 76 километр ўрта босимли ва 341 километр паст босимли газ тармоқларидир. Куз-қиш мавсумида аҳолини табиий газ билан таъминлаш сифатини яхшилаш мақсадида шаҳардаги 0,82 километрик газ қувурлари мукамал таъмирланиб, 166 та ГТНларда тафтиш ўтказилди. 89,8 километр газ қувурлари ҳаво ёрдамида тозаланиб, 39,3 километр газ қувурлари асбоб ёрдамида текширилиб, 8,7 километр ўрта ва паст босимли газ қувурларида эса бўяш ҳамда 19 570 дон дудбўронларни созлаш ишлари режалаштирилган.

Аҳолини электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бугунги кунда Олмалиқ шаҳрида 787,47 километр ҳаво ва ер ости тармоқлари ҳамда 170 дон ТПлар мавжуд бўлиб, аҳолига 4 дон нимстанция орқали электр энергия етказиб берилади. 2020 йилда шаҳардаги 33,11 километр ТПлардан чиқувчи 0,4 кВли ва 13 километр 6 кВли ҳаво тармоқлари ҳамда 25 дон ТПлар мукамал ҳамда 317,4 километр ТПлардан чиқувчи 0,4 кВли, 68,9 километр 6 кВли, 38,8 километр 35 кВли ва 152,4 километр 110 кВли ҳаво тармоқлари ҳамда 170 дон ТПлар жорий таъмирлашни режалаштирилди.

Ичимлик ва оқова суви таъминотини яхшилашга қаратилган ишлар кўлами ҳам ортган. «Сувоқова» Олмалиқ филиали тасарруфида 8 та ичимлик суви иншоотлари, 74та қудуқ ва 1 та оқова суви тозалаш иншооти, жами 239,92 километр ичимлик суви ҳамда 131,3 километр оқова суви тармоқлари мавжуд бўлиб, жорий йилда 1,5 километр ичимлик суви ва оқова суви қувурлари, бино ва иншоотлар, техник ва электр-техник жиҳозлари ҳамда машина ва механизмларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, 7,9 километр ичимлик суви ва оқова суви қувурларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

№67-68 (416-417) 2020 йил 28 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»

масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади!

№ 2020-04

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 28 август.
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг мuddат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Беш қаватли кўп квартиралли (2, 3, 3* ва 4 хонали) уйлар;
1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларида қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-«Д».

Телефон: (66) 233-50-76, факс: (66) 231-13-51.

5. Тендер ҳужжатларини нуسخасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар Қорасув массивидаги, _____ лот _____ та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амал-

га ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори) га тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган: АТБ «Алоқа банк» Самарқанд филиали, ҳ/р: 2021 0000 8037 8332 9001 СТИР 202 427 054 МФО 00985.

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига; таклифларни тақдим этиш сўнги мuddатига; шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача; тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кунда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биноси.

Телефон/факс: (66) 233-25-93.

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

| Уй типлари | Бир донга уй (квартира) учун талаб этилади: | | | | |
|--|---|---|--|--|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўрнатиш ва ҳарактердаги шартнома (сўм) | Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м² | Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м² | Сўнги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| Беш қаватли кўп квартиралли (2, 3, 3* ва 4 хонали) уйлар | 3 000 000 000 | 2 400 000 000 | 450 | 750 | 1800 |

Шартнома (лот)лар рўйхати

| Лот № | Худуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Квартира сони | Беш қаватли 2-3-3* ва 4 хонали уйлар | | | Таклифларни топшириш охириг мuddати |
|-------------------|-----------------|--------------------------|---------------|--------------------------------------|----------|-----------|-------------------------------------|
| | | | | сони | квартира | уй рақами | |
| Самарқанд вилояти | | | | | | | |
| 89 | Самарқанд шаҳри | Қорасув | 30 | 1 | 30 | 1 | 2020 йил 26 сентябрь, 10.00 |

«Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 11 сентябрь кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 13.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғонига жойлашган «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 12.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.Muborakpaxta.uz

Кун тартибидagi масалалар:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. «Узпахтасаноат» АЖни тугатиш бўйича Лойиҳа офисининг 2020 йил 17 августдаги АН/320-сонли хати ва «MT Amig tex» ХК МЧЖнинг 2020 йил 4 августдаги 132-сонли хати бўйича «Муборак пахта тозалаш» АЖ ва пахта қабул қилиш масканлари бино ва иншоотларини пахта тўқимачилик кластер ташкилотига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш масаласини кўриб чиқиш.
4. Жамият устав жамғармасига чиқарилган 1 (бир) донга акциянинг бозор қийматини тасдиқлаш.
5. Акциядорлар ўзларига тегишли акцияларни жамият томонидан бозор қий-

мати бўйича қайтариб сотиб олиш тартибини белгилаш.

Шу сабабли, «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 40-муддасига мувофиқ қуйидагиларни маълум қилади:

овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар жамият томонидан йирик битим тузиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

ўзларига тегишли акциялар жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади;

ўзларига тегишли акцияларнинг жамият томонидан қайтариб сотиб олиниши тўғрисидаги ёзма талаблари акциядорларнинг умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятга тақдим этилиши ҳамда мазкур мuddат тугагандан сўнг жамият томонидан қай-

тариб сотиб олиш талабини қўйган акциядорлардан акцияларни жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган бозор нархида қайтариб сотиб олинади.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдан ташқари акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 24 август ҳолатига ва акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 7 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонучилигига белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносига танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба қўрғони.

Тел.: (97)-447-07-52.
E-mail: Kholmiraev2016@mail.ru

«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасининг 2020 йил 27 августдаги 264-сонли алоқа хатига асосан Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 23-уйда сақланаётган 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 595 JAA бўлган қониқарсиз ҳолатдаги таъмирталаб НЕКСИЯ русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 22 643 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 28 сентябрь кунини, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносига ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган

автотранспорт воситаси билан шанба ва яқшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадақ қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабдорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

Тел.: (61) 222-84-44.
Расмий сайти: www.rmm.uz
9506 рақамли гувоҳнома.

«Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ 2-сон ТХнинг 2020 йил 25 августдаги 1740-сонли алоқа хатига асосан Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 16-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 097 VSF бўлган қониқарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб УАЗ-39091 русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 5 818 821 сўм.

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 082 VSF бўлган қониқарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб ВА3-21093 русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси – 3 791 533 сўм.

1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 083 VSF бўлган қониқарсиз ҳолатдаги капитал таъмирталаб ГАЗ-5204 русумли автомашинаси. Бошланғич баҳоси – 8 107 587 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 28 сентябрь кунини, соат 11.00 дан бошлаб Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ биносига ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: аукцион савдосидан бир кун олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва яқшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 га қадақ қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабдорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ «Турон банк» Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.

Тел.: (61) 222-84-44.
Расмий сайти: www.rmm.uz
9506 рақамли гувоҳнома.

«Нишон пахта тозалаш»

акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 12 сентябрь кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» ҚФЙда жойлашган «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 12.30 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: nishonpaxta.uz

Кун тартибидagi масалалар:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-ҳўжалик якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг мuddатини узайтириши кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.

12. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

13. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан, мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органилари балансига ўтказиш.

15. «Узпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 11 июндаги 01-12/1795-сонли хатини кўриб чиқиш.

16. «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «PAXTA ELEGANT DIZAYN» маъсулияти чекланган жамияти узоқ мuddатдан буён фаолият кўрсатмасдан келаётгани сабабли «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти бош директори Б. У. Мейлиевнинг жамият Кузатув кенгашига ёзган хатини кўриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилиши ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 27 август ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш кун олдин) 2020 йил 8 сентябрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонучилигига белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг маъмурий биносига танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» ҚФЙ, «Нишон пахта тозалаш» АЖ.
Электрон почта: nishon-ptoj@mail.ru
Тел.: (75)512-33-07.

Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 4 сентябрь кунини чиқарилади.



Барча ҳамюртларимиз, қурувчилар ҳамда мамлакатимизнинг бунёдкорлик жараёнларига сифатли маҳсулотлар етказиб бераётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларни

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан самимий муборакбод этамиз.

Кун сайин чирой очиб бораётган диёримизнинг бундан-да равақ топиши йўлида меҳнатсевар халқимизга тани сўхатлик, куч-қувват тилаймиз.

**Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги
жамоаси.**